

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА КИНОҚИССА ЖАНРИ: ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАКОМИЛ ЙЎЛИ

Бобуржон БОЙМАТОВ

таянч докторант

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

boburjon.boymatov@mail.ru

Аннотация

Мақолада кино ва адабиёт синтези натижасида пайдо бўлган адабий жанрлар, хусусан, киноқисса жанрининг ўзбек адабиётига кириб келиши, ривожланиши ҳақида сўз юритилган. Ўзбек адиблари томонидан яратилган киноқиссалар қисқача шарҳланган.

Таянч сўзлар: адабий тур, эпик тур, жанр, киноқисса, киноповесть, кинороман, киносценарий, композитсия, мавзу, синтез, сценарий, сюжет, ғоя.

ЖАНР КИНОПОВЕСТИ В УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ: ЕГО СТАНОВЛЕНИЕ И ПУТЬ РАЗВИТИЯ

Бобуржон БОЙМАТОВ

Базовый докторант

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

boburjon.boymatov@mail.ru

Аннотация

В статье речь идет о литературных жанрах, возникших в результате синтеза кино и литературы, в частности о вхождении и развитии в узбекскую литературу жанра киноповести. Приводится короткий обзор киноповестей, созданных узбекскими писателями.

Ключевые слова: литературный тип, эпический тип, жанр, киноповесть, кинороман, сценарий, композиция, тема, синтез, сценарий, сюжет, идея.

Қадимдан замон ривожлангани сайин ҳаётнинг турли жабҳаларида янгиликлар амалга оширилган. Санъат соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Санъат турлари орасида янгилари пайдо бўлган ва бугун ҳам бу жараён давом этмоқда. Санъатдаги бундай ривожланиш, янгиланиш, янги турларнинг пайдо бўлиши кўп ҳолларда санъат турлари орасидаги ўзаро алоқадорлик натижасида юзага келади. Шеърят ва музиканинг оралиқ нуқтасида ашулачилик, театр ва муסיқа кесишган нуқтада мусиқали сахна асарлари юзага келди. Бугунги кунда дунёда

санъатнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқда. Хусусан, сўз санъати бўлмиш адабиётга кино санъатининг таъсири туфайли киноэтиюд, киноҳикоя, киноқисса, кинороман деб аталган янги жанрлар кириб келди.

Бу каби адабиёт ва кино синтези натижасида пайдо бўлган кинороман, киноқисса каби жанрлар бизнинг адабиётимиз учун ўзлашма жанр ҳисобланади. Чунки улар ўзбек адабиётига рус адабиёти орқали кириб келган. Ўша пайтларда киноқисса киноповесть деб ҳам номланган. Аксарият адабиётшуносларимиз повесть ва қиссани айна битта жанр деб қарайдилар, шу нуқтаи назардан қараганда киноповесть ва киноқисса битта, тенг тушунчанинг икки номи эканлиги ойдинлашади.

Кузатишларимиз давомида кино ва адабиёт қоришувидаги илк асар “Совет Ўзбекистони китоби (1930-1931)” библиографик кўрсаткичининг 2521-тартиб рақамида берилган Сулаймонхўжаевнинг “Худосизлар қишлоғи (Арафа)” номи остида кинороман жанр қайди билан 1931 йилда чоп этилганлигини аниқладик. Кейинчалик XX асарнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб Раҳмат Файзий, Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров каби адиблар ўзбек адабиётида киноқисса жанрида асарлар ярата бошладилар.

Киноқисса жанри ҳақида сўз борар экан, жанрнинг адабиётимизда пайдо бўлиши ва бу жанрда ижод қилган ижодкорлар тўғрисида филология фанлари доктори Шавкат Ҳасанов шундай таъкидлайди: “Киноқисса атамаси XX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг адабиётимизда бот-бот учраб туради. Жумладан, Шароф Рашидов, Жамол Камол, Усмон Азим баъзи бир асарларини шу ном остида тақдим этишган” [13].

Ўзбек ижодкорлари ичида биринчилардан бўлиб киноқисса жанрига қўл урган адиб Шароф Рашидов ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб илк киноқисса 1957 йилда яратилган “Коинот” номли асаридир [11]. “Икки дил достони” киноқиссаси Бедилнинг “Комде ва Мудан” асари асосида ёзилганлиги таъкидланади [12]. Асарнинг тасвир услуби, тили ўзига хос бўлиб, халқ

достонларини ёдга солади. Насрий шаклда яратилганлигига қарамай шеърий парчалар ва қўшиқлар билан бойитилганлиги асарни достонларга янада яқинлаштирган. Асар асосида ишланган филм эса машҳурликка эришган. Киноқиссани экранлаштириш ишига Ўзбекистон халқ артисти Комил Ёрматов режиссёрлик қилган. Филм 1966 йилда экран юзини кўрган ва 1968 йилда халқаро кинофестивалнинг “Олтин Абсора” мукофотиغا лойиқ қўрилган.

Раҳмат Файзий ҳам илк ўзбек киноқиссанависларидан бири ҳисобланади. Унинг 1962 йилда ёзилган “Сен етим эмассан” киноқиссаси халқимиз орасида анчайин машҳур. Ушбу киноқисса асосида сураатга олинган шу номдаги филм ўз вақтида катта шуҳратга эришган ва бугунги кунда ҳам кино ихлосмандлари томонидан севиб томоша қилинади.

Раҳмат Файзий юқорида айтилган киноқиссадан ташқари ўзбек киносининг дурдоналаридан бўлган “Ёр-ёр” филмининг сценарий муаллифи ҳам саналади. Ижодкорнинг кино санъати билан шуғулланишида 1962 йилдан 1965 йилгача “Ўзбекфилм” киностудиясида сценарий муҳаррирлик жамоасида бош муҳаррир вазифасида олиб борган фаолияти ҳам катта ўрин тутишини таъкидлаш ўринлидир. Чунки ҳар бир ёзувчи ижодида унинг ижтимоий муҳит ва касбий фаолиятининг таъсири сезилади.

XX асрнинг олтмишинчи йилларида Раҳмат Файзий билан бир қаторда Ўлмас Умарбеков ҳам киноқисса жанридаги асарлари билан кўзга ташланиб турди. Адиб 1966 йилда “Баҳор булутлари” киноқиссасини яратган. Киноқисса воқеалари икки ёшнинг бир-бирига муҳаббатидан ҳикоя қилади. Ёшлар муҳаббат йўлида анчайин заҳмат чекишади, қишлоқдошларининг ғийбатларига учрайдилар, бунинг ортидан асар қаҳрамони Зулфия ўз жонига қасд қилади. Киноқиссада мустабид тузум мафкурасининг таъсири яққол сезилади. Барча ғийбат диний уламолардан бўлган Абулқосим домла, ҳамда отинойи томонидан бошланиши ва халқ орасида ёйилиши бунинг далили бўла олади. Шунга қарамасдан, киноқиссанинг бадиий хусусиятлари таҳсинга сазовор.

Худди Раҳмат Файзий сингари Ўлмас Умарбеков ҳам бир қанча филмларнинг сценарий муаллифи ҳисобланади. Масалан, “Икки солдат ҳақида кисса”, “Ўзгаларни деб”, “Қалин қор бағридаги учрашув” каби кинофилмлар сценарийси адиб қаламига мансуб. Касбий фаолияти кино билан боғлиқ бўлиб, бир неча йиллар давомида “Ўзбекфилм” киностудиясида директорлик қилган. Таъкидлаш ўринлики, ўша йилларда адиб киносценарий ва киноқиссалар яратди, кино соҳасида тажрибага эга бўлди.

Киноқиссачилигимиз ривожда Сами Абдуқаҳҳорнинг ҳам ўз ўрни бор десак муболаға бўлмас. Ижодкордан бизга ажойиб, бадиий савияли турли жанрдаги асарлар қатори киноқиссалар ҳам етиб келган. “Қоялар ва соялар”, “Ўзларидан сўрасак”, “Оппоқ тонг кўшиғи” каби бир қатор киноқиссалар шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиётида киноқиссачилик анъаналари шу тариқа вужудга келди ва кейинги авлодлар бу анъанани муносиб давом эттирдилар. Кино ва адабиётнинг ўзаро алоқаси орқали нафақат киноқисса, балки кинороман, киноҳикоя (киноновелла), кинодостон деб аталмиш турли синтетик табиатга эга жанрларда яратилган асарлар кўпайди.

XX асрнинг сўнгги йиллари ва янги аср бошларида миллий адабиётимиз турфа мавзудаги киноқиссалар билан бойигани ҳам бор гап. Бугун киноқисса ёзаётган адиблар, ижодкорлар талайгина. Масалан, Наим Каримов, Миразиз Аъзам, Аҳмад Аъзам, Эркин Аъзам, Усмон Азим, Шомирза Турдимов, Абдуқаюм Йўлдошев, Қўчқор Норқобил сингари ижодкорлар киноқиссанинг гўзал намуналарини яратганлар, яратиб келмоқдалар. Улар яратган асарлар турли мавзуда, турлича қаҳрамонларга эга, шунга қарамасдан, барчаси китобхонлар ва телетомошабинлар қалбидан жой олиб улгурган.

Кўпчиликка адабиётшунос сифатида таниш бўлган профессор Наим Каримов таниқли ижодкорлар ҳақида ёзган асарлари билан адабиётимизга катта улуш қўшган. Унинг асарлари орасида “Ойзар” асари киноқисса жанрида

ёзилган. Асарда ижодкор ўзбекнинг буюк ижодкори – Ойбек ва унинг турмуш ўртоғи Зарифа Саидносироваларнинг ёшлик йиллари, ҳаёти, муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

“Имон” деб номланган бир неча қисмдан иборат филм бор, ўзбек киносеварлари бу филмни жуда яхши билишади. Бир эркак машинасида йўлни кесиб ўтаётган савдогар кампирни уриб юборади, шундан кейин кампирнинг эри, ўғли ва қизи судга беришади, бу ҳам етмагандек ҳар томондан йигитни шила бошлайдилар, оқибат эса ўз ҳаётларида фожиага дуч келадилар. Эслаганингиз, фильм Миразиз Аъзам томонидан аввал киноқисса ўлароқ яратилган ва адибнинг сайланмасидан ҳам жой олган. Асар бир неча қисмга мўлжаллаб ёзилгани учун бошқа киноқиссаларга нисбатан ҳажман каттароқ.

Аҳмад Аъзамнинг “Одам заҳри” киноқиссаси мавзуси оригинал, доимий маиший мавзулардан йироқ. Киноқисса илон ўргатувчининг уйига илон сотишини сўраб келган меҳмонлар воқеаси билан бошланади, Морбознинг берган рад жавобидан кейин улар морбознинг уйига ўғирликка тушадилар ва ўзлари илоннинг қурбонига айланадилар. Асарда сарлавҳаданоқ ҳам англашилиб турганидек инсон бировга қасд қилса илондан ҳам хавфли бўлади, ҳайвон ўзига тегмаганларга тегмайди, инсон эса ҳасад билан бегуноҳларга ҳам жабр қилишдан қайтмайди, деган фикрлар илгари сурилган, назаримизда. Киноқисса асар ёзиш техникаси, ғоявий-бадий хусусиятлари юқори савияда эканлиги билан эътиборга молик.

Шомирза Турдимовнинг “Мезон” киноқиссаси бир қадар фалсафий маънога, рамзийликка йўғрилган. Асарда барчага яхши таниш бўлган Лайли ва Мажнуннинг ишқи адиб бадий тафаккури призмасидан ўтиб ўзгача йўсинда тасвирланган. Воқеалар ривож бизга маълум дoston ва ривоятларниқидан фарқ қилади. Аммо мутолаа қилган кишини қизиқтирмасдан қолдирмайди. Асарда бир қатор образлар борки, уларнинг жуда кўпчилиги турли рамзий маъноларга эга. Бундан ташқари асарда халқона оҳанглар сезилади, асар бобларининг ҳар бири

алоҳида сарлавҳаланган ва бу бобларнинг барчасига эпиграф қўйилган. Эпиграфлар турли манбалардан олинган, жумладан, халқ оғзаки ижоди намуналари, мумтоз адибларимиз асарларидан олинганлари кўпроқ учрайди. Ушбу янгиликлари билан адиб киноқиссачиликда тенги йўқ бир асар яратди. Бу асар кенг қамровли филологик таҳлилга тортилса анчайин юқори савиядаги бир тадқиқотга асос бўла олади, бизнингча.

“Мезон” асари ва унинг жанри ҳақида профессор Узоқ Жўрақулов шундай дейди: “Ўқувчи учун у қадар аҳамияти бўлмаса ҳам, адабиётшунос олимларимизни “Мезон” қандай жанрга мансуб деган масала қизиқтирмай қолмайди. Қолаверса, адабиёт назарияси ва адабий жараён мезони деган гаплар бор.

Табиатан ўта камтарин бўлган муаллиф эътирозларидан кўз юмиб айтишни хоҳлардимки, “Мезон”да роман ҳам, қисса ва ҳикоя ҳам, драма ва шеър ҳам бор. У асло маллиф камсуқумлик ила белгилаб қўйган киносценарийнинг ўзигина эмас. Мезон бевосита катта адабиётга дахлдор асар. Катта (ёки янги) адабиётга эса ҳар доим синкретиклик (турли жанрлар қоришиқлиги) хос бўлади. Шу билан бирга, бадиий асар структурасидаги бундай хос ўзгаришлар миллий эстетиканинг янги сифат эврилишига ўтаётганидан далолат беради” [4; 31-32].

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ҳам киноқиссачиликда қалам тебратган. “Жимлик” деб номланган китобида ижокор ўзининг назм, наср, драматургияга оид асарларидан намуналарни китобхонлар ҳукмига ҳавола этган бўлиб, наср бўлимида, иккита киноқисса мавжуд. Бу киноқиссалар “Қиёмат” ва “Йўқолган одам” деб номланган.

“Қиёмат” киноқиссаси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, сарлавҳанинг ўзиёқ инсонни мушоҳадага чорлайди, асар воқеалари жиддий мавзуда эканлиги сарлавҳадан англашилади. Асар воқеалари ичига кириб борган сари ёзувчи асар учун нега бундай ном танлагани ойдинлашади.

Асар бугунги куннинг энг долзарб муаммоси ОИТС ва унинг оқибатлари, харом-хариш ишларнинг аянчли оқибати ҳақида. Бу асарни ёзишдан мақсад ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан, ҳам руҳан пок бўлишга йўналтириш деган фикрдамиз. Асар қаҳрамонларининг аянчли қисмати, хиёнатчиларнинг тузалмас дард ила жазоланиши китобхон ва томошабинларнинг керакли хулоса чиқаришларига хизмат қилади.

“Йўқолган одам” асарида эса ўсмирлар ҳаётида учраб турадиган, бугунги кун хабарларида, ижтимоий тармоқларда кўп бора дуч келганимиз – ичкиликбозлик сабабли келиб чиқадиган ёмон оқибатлар, жумладан, пичоқбозлик ҳақида ҳикоя қилинади. Асарнинг барча воқеалари коллеж битирувчиларининг йиғилиши ва у ердаги икки йигитнинг жанжаллашуви натижасида юз берган пичоқбозликдан бошланади. Ичкилик ортидан чиққан тортишув натижасида дўсти Собирни пичоқлаб қўйган Даврон қўрқиб шу ондаёқ қочиб далага яшириниб олади, ваҳимага тушиб тонгда шаҳарга қочиб кетади. Катта шаҳарда асар қаҳрамони кўп қийинчиликларга учрайди, яхши ва ёмон инсонларга дуч келади. Исмини Самад деб ўзгартириб яшириниб юришига тўғри келади.

Ўзбек киноқиссачилигига муносиб ҳисса қўшган ёзувчилардан яна бири бу Шароф Бошбеков ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб асарларни кино сифатида ҳам таниймиз. Бундан ташқари кинога айланмаган киноқиссалари ҳам бор.

Ўзбек адабиётида икки адиб ўзининг киноқиссалар тўпламини тузиб, нашр этгани кузатилади. Шулардан бири Шароф Бошбековдир. Адиб киноқиссалари жамланган тўплам “Мусофир бўлмагунча” деб номланади ва бу тўпламга ижодкор яратган олти киноқисса киритилган. Булар “Меҳр ва маузер”, “Сўқмоқ”, “Фалакнинг гардиши”, “Вафодор (Саид Аҳмаднинг “Қорақўз – Мажнун” номли ҳикояси асосида)”, “Мусофир бўлмагунча”, “Тентак фаришталар” номдаги асарлардир.

Киноқиссалардан ташқари адибнинг “Чархпалак” деб номланмиш киноромани ҳам бор. Ушбу кинороман асосида суратга олинган “Чархпалак” телесериалини томоша қилмаган ҳамюртимиз топилмаса керак.

Бугунги кунда энг кўзга кўринган киноқиссалар Э.Аъзам ижодхонасидан чиқмоқда. Ёзувчи киноқиссаларининг аксарияти халқ суйиб томоша қиладиган фильмларга айланди. Адибнинг кинога алоқадор дастлабки асари “Анойининг жайдари олмаси” ҳикояси эди. Бу ҳикоя асосида 1990 йилда “Чантриморе” филми ишланди. Шундан сўнг 1996 йилда “Пиёда” фильми экранга чиқди. Шу фильмларидан сўнг адиб асарлари асосидаги филмларнинг муваффақиятлари бошланди. “Дилхирож”, “Эркак”, “Забаржад”, “Сув ёқлаб”, “Қарздор”, “Паризод” филмлари қатор хорижий мамлакатлар ва юртимизда ўтган кинофестивалларда мукофотларга сазовор бўлди.

Санаб ўтилган филмлар орасидан “Пиёда”, “Забаржад”, “Сув ёқалаб”, “Қарздор”, “Паризод” филмлари аввало бадиий асар, киноқисса ўлароқ ёзилган, китобларда босилган. Киноқиссалар тўпламининг иккинчи муаллифи Эркин Аъзам ҳисобланади. “Танҳо қайиқ” деб номланган тўпلامдан адибнинг еттита киноқиссаси жой олган. Бунга қадар адиб киноқиссалари турли тўпламлар ичида ҳикоя ва қиссалар билан ёнма-ён нашр қилинган, аммо алоҳида киноқиссалардан таркиб топган китоб сифатида босилмаган эди. Ушбу нашр миллий адабиётимиз, хусусан, киноқиссачилигимиз учун катта ютуқ бўлди.

Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Ишқ афсунлари” китобида икки қисса билан ёнма-ён “Ишқ савдолари ва гадолари” деб номланган киноқисса ҳам ўрин олган. Бу киноқисса бугунги кун кишисининг ташвишлари, ўз орзуларига томон бориши бир севги қиссаси атрофида ёрқин бўёқларда чизиб берилган.

Бу киноқиссадан ташқари ижодкор Исфандиёр ва Гулчеҳра Маткаримовалар билан ҳаммуаллифликда “Уқубат” киноқиссасини ёзган. “Уқубат” замонавий мавзуда бўлиб, бугунги кун муаммоларини кўрсатиб бера олган. Асар қаҳрамонлари Акмал ва Ҳулкар исмли севишганлар дабдабали тўй

килиш орзусида пул топиш учун чет элга ишлаш учун борадилар ва одам савдосининг курбонига айланиб қоладилар. Асар охирида икки ёш ҳам ватанига қайтади. Одам савдоси билан шуғулланган шахслар қўлга ҳам олинади, аммо Хулкар хориждан бедаво дард орттириб келади. Ёшлар бирга бахтли бўлиш орзусига етолмайдилар.

“Уқубат” киноқиссаси асосида ишланган айни номдаги филм ҳам экранларда намоёниш қилинган. Айниқса мактаб, коллеж ўқувчилари, талабалар орасида кенг тарғиб қилинганди. Ушбу киноқиссаларнинг мақсади аён: одамийлик қиёфасини сақлаб қолиш, иймони мустаҳкам, ҳалол, қўрқмас, ҳақиқатга тик қарайдиган ёшларни тарбиялаш. Фаҳш, ичкиликбозлик, ОИТС, очкўзлик, дабдабабозлик каби иллатларнинг ёмон оқибатларга олиб келиши борасидаги хулосани яна бир бор эслатиш, ёшларни хушёрликка чорлашда шу каби асарлар долзарб аҳамият касб этади.

Киноқисса жанрида ўзини синаб кўрганлар қаторида таниқли ёзувчи Қўчқор Норқобил ҳам бор. Адибнинг “Ўқтомир” ва “Қайтмасанг ҳам қайтгин” деб номланган киноқиссалари бизга маълум. Қўчқор Норқобилдан ташқари ёзувчи Муҳаммад Исмоилнинг ҳам бир нечта киноқиссаси маълум бўлиб, улар “Ой чиқмаган оқшом”, “Янги ой чиққан кеча”, “Тараддуд”, “Юлдузлари куйган тун” деб номланган. М.Исмоил асарлари асосида “Изғиринли кунларнинг бири”, “Қисмат”, “Ой чиқмаган оқшом”, “Янги ой чиққан кеча”, “Моҳинур”, “Атиргул”, “Балоғат бекати”, “Юлдузсиз осмон” “Қалбим ардоғи” каби видеофилмлар экранлаштирилган.

Юқорида XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги кунгача бўлган киноқиссаларнинг айримларига тўхталиб ўтдик. Лекин бу ўзбек адабиётидаги киноқиссаларнинг барчаси дегани эмас, айримлари назаримиздан четда қолган бўлиши мумкин. Айни дамда кузатишларимиздан сўнг шуни таъкидлаш ўринли бўлардики, дастлаб яратилган киноқиссаларга шунчаки сценарий сифатида қарашган, уни алоҳида жанр сифатида тан олишмаган. Бир томондан бу қарашни

ҳам оқлаш мумкин, чунки киноқисса алоҳида жанрлик белгиларини намоиш қилмаган ва бу жанрда яратилган асарлар сон жиҳатидан кўп бўлмаган, борларининг ҳам аксарияти шаклан сценарийдан фарқ қилмаган.

Сўнгги йилларда киноқиссалар ҳақида муносабат билдирилар экан аксарият тадқиқотчи олимлар киноқиссани кино эмас адабиёт мулки деб билмоқдалар ҳамда алоҳида бир жанр сифатидаги хусусиятларга эга эканлигини таъкидламоқдалар. Айниқса Эркин Аъзам киноқиссаларига билдирилган фикрларда бу ўз исботини топмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Аъзам Э. Танҳо қайиқ: киноқиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2017. – 256 б.
2. A'zam M. Saylanma. – Toshkent: Cho'lon, 2007. – 528 b.
3. Бошбеков Ш. Мусофир бўлмагунча: киноқиссалар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – 256 б.
4. Жўракулов У. Мезонлар мезони // Шарқ юлдузи, 2011. – №6. – Б.31-32.
5. Йўлдошев А. Ишқ афсунлари: қиссалар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. 320 б.
6. Каримов Н. Бу ажиб дунё. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 288 б.
7. Норқобил Қ. Бу ерларда ҳаёт бошқача: ҳикоялар ва киноқисса. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2018. – 360 б.
8. Norqobil Q. Qaytmasang ham qaytgin //Jahon adabiyoti, 2018. – №5. – В.156-178.
9. Совет Ўзбекистони китоби (1930-1931). Библиографик кўрсаткич. – Тошкент, 1978. – 386 б.
10. Файзий Р. Асарлар. III жилдлик. II жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1979. – 440 б.
11. <https://saviya.uz/hayot/tarjimai-hol/sharof-rashidov-1917-1983/>
12. <http://shrashidov.zn.uz/muzey-haqida/>
13. <https://zarnews.uz/uz/post/erkin-azamning-parizodi>